

АКСИАЛ СПОНДИЛОАРТРИТНИНГ ЭРТА БОСҚИЧЛАРИДА АННЕКСИН А1 БИОМАРКЕРНИНГ ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

**Икрамова Д.Н.
Эшмурзаева А.А.
Каримов М.Ш.**

Тошкент давлат тиббиёт академияси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.18031774>

Мавзунинг долзарблиги. Аксиал спондилоартрит (АксСпА) бўғим ва суяк тизимининг сурункали яллиғланиши билан тавсифланиб, асосан меҳнатга лаёқатли ёшдаги шахсларни эрта ногиронликка олиб келади. Касалликни рентгенологик босқичгача аниқлаш мураккаб бўлганлиги сабабли, специфик биомаркерларни излаш замонавий ревматологиянинг муҳим вазифаларидан биридир. Аннексин А1 (ANXA1) яллиғланишга қарши хусусиятга эга бўлиб, унинг даражаси суяк тўқимасининг ремоделланиши билан боғлиқлиги тахмин қилинмоқда.

Тадқиқот мақсади. АксСпА билан хасталанган беморларда умуртқа поғонасидаги таркибий бузилишларнинг эрта даврида зардобдаги ANXA1 миқдорини баҳолаш.

Материал ва усуллар. Тадқиқотда 62 нафар АксСпА билан касалланган бемор (ўртача ёши $43,2 \pm 5,3$) ва 10 нафар соғлом шахс иштирок этди. Беморлар касалликнинг рентгенологик босқичига кўра 3 гуруҳга ажратилди. Касаллик фаоллиги ASDAS ва BASFI индекслари, тузилмавий ўзгаришлар эса RASSS ва BASRI шкалалари асосида баҳоланди. ANXA1 миқдори ELISA усулида аниқланди.

Тадқиқот натижалари. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, АксСпА билан оғриган беморларда ANXA1 даражаси назорат гуруҳига (9,3 нг/мл) нисбатан сезиларли даражада паст бўлган. Хусусан, норентгенологик босқичда (I гуруҳ) ANXA1 $4,3 \pm 1,1$ нг/мл ни ташкил этган бўлса, кечки босқичда (III гуруҳ) бу кўрсаткич 2,3 нг/мл гача камайган. Корреляцион таҳлил ANXA1 миқдори ва суякдаги эрозиялар ($r = -0,83$) ҳамда остеит ($r = -0,76$) ўртасида кучли тесқари боғлиқлик мавжудлигини кўрсатди. Бу эса яллиғланиш жараёни кучайган сари ушбу биомаркернинг ҳимоя функцияси камайиб боришидан далолат беради.

Хулоса. Аннексин А1 АксСпАнинг эрта диагностикаси ва суякдаги таркибий ўзгаришларни прогноз қилишда муҳим биомаркер бўлиб хизмат қилади. Унинг миқдорини аниқлаш касалликни рентгенологик белгилар пайдо бўлгунга қадар ташхислаш ва ўз вақтида базис терапияни бошлаш имконини беради.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Sieper J., Poddubnyy D. Axial spondyloarthritis // Lancet. — 2017. — Vol. 390. — P. 73–84.
2. Каратеев Д.Е. Как остановить прогрессирование структурных изменений при анкилозирующем спондилите // Эффективная фармакотерапия. — 2019. — № 15 (40). — С. 26–34.